

**Божхона органлари томонидан
2022 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида
ҲИСОБОТ**

2022 йил якуни бўйича шаклланган божхона статистикаси маълумотарига кўра, 2021 йилга нисбатан товарлар ташқи савдо айланмаси **18 %**га ёки **6 млрд доллар**га, ҳаракатланган автотранспорт ва темир йўл вагонлари сони **44 %**га ёки **2,5 млн.тага**, йўловчилар сони **121 %**га ёки **17 млн нафар**га, юк декларациялари сони **9 %**га ёки **73 мингтага** ортган.

Божхона органлари томонидан амалга оширилган назорат ва расмийлаштирув тадбирлари натижасида бир қатор ижобий кўрсаткичларга эришилган. **Жумладан,**

I. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш йўналишида:

➤ Тадбиркорларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мақсадида, **18 минг нафар** ТИФ қатнашчиларига **57 трлн сўм** божхона тўловларидан **имтиёз ва преференциялар** қўлланилган ва давлат бюджетига **5,7 трлн сўм** божхона тўловларини **кечиктириб тўлашга** рухсат берилган.

Имтиёз ва преференциялар, кечиктиришга рухсат берилган божхона тўловлари **2021 йилга нисбатан 50 %**га ёки **21 трлн сўмга ошган.**

Давлат бюджетига **46 трлн сўм** божхона тўловлари ўтказилиб, ундирувчанлик **13 трлн сўмга ортган.**

➤ Хавфларни бошқариш ва яширин иқтисодиётга қарши курашиш соҳасида:

– **16 мингдан ортиқ** ҳолатда **839 млрд сўмлик** товарларнинг **ноқонуний айланувига** чек қўйилиб, ҳолатлар **54 %**га ёки **5 308 минг тага**, товарлар қиймати **6 %**га ёки **50 млрд сўмга ошган;**

– **4,5 млн. доллар**га тенг ноқонуний олиб ўтилаётган **нақд хорижий валюталар** аниқланиб, **6,7 баробарга** ёки **3,8 млн. долларга;**

– **807 мингта** юк декларацияларининг **78 %** ёки **634 мингтаси** соддалаштирилган тартибда расмийлаштирилиб, **23 мингдан ортиқ** тадбиркорларнинг **ортиқча вақти ва молиявий харажатлари** олди олинган;

➤ Мамлакатимизда **аҳоли хавфсизлиги ва сиҳат-саломатлигини таъминлаш** йўналишларида амалга оширилган чора-тадбирлар доирасида:

– **749 кг гиёҳвандлик** воситалари аниқланиб, самарадорлик **42 %**га;

– **308 минг** дона **кучли таъсир этувчи** ва **5,3 минг** дона **психотроп моддалар** ҳамда **6 минг** дона **тақиқланган материаллар** ушлаб қолиниб, самарадорлик **15 %дан 81 %гача ошган.**

II. Божхона маъмуриятчилигини янги босқичга олиб чиқиш, юк операцияларида инсон омилини қисқартириш, ушбу соҳани коррупциядан ҳоли тизимга айлантириш борасида **187 та** топшириқларнинг ижроси тўлиқ таъминланди. Хусусан:

✓ **33 та** **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари** қабул қилинди; (2 та Фармон, 15 та қарор, 2 та фармойиш, 14 та ДБҚ қарори)

✓ **соҳани рақамлаштириш йўналишида:**

– **13 та** ахборот тизимлари амалиётга жорий этилган;

“Божхона ва юк операциялари”, “Е-транзит авто”, “Е-транзит темир йўл”, “Транспорт назорати” ва “Авиа API/PNR” ахборот тизимлари ёрдамида божхона назорати ва расмийлаштируви такомиллашди;

“Божхона қиймати бўйича қарор” ва “Божхона қиймати мониторинги” ахборот тизимлари ёрдамида импорт товарлари божхона қийматини назорат қилиш соддалашди;

“Божхона ходими”, “Коррупциявий хавфларни бошқариш” ва “Самарадорлик” ахборот тизимлари ёрдамида кадрлар билан ишлаш жараёни энгиллашди;

“Е-ҳужжат” ахборот тизими ёрдамида ижро интизоми ва назорати кучайди;

“Е-архив” ахборот тизими ёрдамида декларацияловчи шахсларнинг ҳужжатларини электрон жамлаш йўлга қўйилиб, такроран тақдим этиш амалиёти бекор қилинди;

“Е-навбат” ахборот тизими ёрдамида экспорт мева-сабзавот маҳсулотлари ортилган автотранспортларни давлат чегарасидан тезкор ўтказиш ташкил этилди.

– ТИФ қатнашичиларини **автоматик тоифалаш** имконини кенгайтириш мақсадида, божхона электрон тизими **12 та** идора ва ташкилотлар ҳамда **7 та** авиакомпанияларнинг тизими билан **интеграция қилинди**;

ИИВ, Адлия, Молия, Қурилиш вазирликлари, Солиқ қўмитаси, ДХХ чегара қўшинлари, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Тошкент шаҳар хокимлиги, Ўзбекистон темир йўллари, Ўзбекистон почтаси, Электрон ҳукумат, Давлат хизматлари агентлиги, авиакомпаниялардан тадбиркорлар, фуқаролар, товарлар, рейслар ҳамда ҚҚС ва акциз солиқлари бўйича ҳисобланган, тўланган, қайтарилган, солиқ қарзи, ортиқча тўловлар ва бошқалар ҳақида шакллантирилган маълумотлар олинмоқда.

– **14 та** ҳудудда товарлар расмийлаштирувини **масофавий электрон декларациялаш** тамойили асосида ташкил этиш йўлга қўйилди;

– маъмурий ишларни “Е-Qaror” тизими орқали **электрон** шаклда юритиш амалиёти жорий қилинди. **5 962 та** ишларни юритишдаги вақти сарфи **17 кундан 5 дақиқага** қисқарди.

✓ **Соҳани рақамлаштириш ҳисобига:**

– божхона расмийлаштируви вақти **4,5 мартага**, божхона кўриклари сони **3 баробарга** қисқарди;

– импорт товарларининг **76 %** ва экспорт товарларининг **86 %** соддалаштирилган тартибда расмийлаштирилди;

– юк декларацияларини **инсон омилисиз автоматик** расмийлаштириш ҳажми **65 %**га етказилиб, бу кўрсаткич экспортда **85 %**ни ташкил қилди.

Божхона органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда, янги ахборот тизимларини ишлаб чиқишда хорижий хизмат сафарларида орттирилган тажрибалардан кенг фойдаланилган.

✓ **Халқаро ҳамкорлик йўналишида:**

– **30 га яқин** давлатларга хизмат сафарлари ташкил этилган;

– **Бирлашган Араб Амирлиги, Туркия, Корея, Сингапур, Исроил, Бельгия, Грузия, Эрон, Озарбайжон, Туркменистон, Қозоғистон ва Қирғизистон** давлатлари божхона хизматлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган **амалий тадбирлар** белгилаб олинган;

– **Хитой, Туркия ва Корея** давлатлари тажрибаси асосида халқаро аэропортларнинг учиб кетиш йўналишида **“масофавий”** ва учиб келиш йўналишида **“сезилмайдиган”** божхона назорати тизими жорий қилинган;

– **Жаҳон божхона ташкилоти, Осиё тараққиёт ва Жаҳон банклари, Халқаро савдо маркази, АҚШ Энергетика вазирлиги ҳамда Экспорт назорати дастури (EXBS), Бирлашган миллатлар ташкилотининг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ҳамда Афғонистон ва қўшни давлатлар бўйича координатори, Германия халқаро ҳамкорлик агентлиги (GIZ), Туркиянинг Гиёҳвандликка қарши курашиш академияси, Хитой давлатининг Тошкентдаги элчихонаси** билан кенг ҳамкорлик қилиш натижасида:

халқаро даражадаги **43 та** тадбирларда **120 дан** ортиқ ходимлар малакаси оширилган;

грант сифатида умумий қиймати **2 млн. доллар**га тенг бўлган назорат техник воситалари (радиацион портал мониторлари, компьютерлар, синхрон таржима ускуналари, лаборатория жиҳозлари ва махсус автотранспортлар) ҳамда кинология хизмати учун илк бор **хизмат итлари** тақдим этилишига эришилган;

– Самарқанд шаҳрида ўтказилган **Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши** йиғилиши доирасида **“Соддалаштирилган божхона йўлакларини шакллантириш тўғрисида”** Битим имзоланган;

– Бирлашган Араб Амирлиги **“DP World”** ва Бельгиянинг йирик **“Camco Technologies”** компаниялари билан рақамлаштириш йўналишида **яқиндан** ишлаш йўлга қўйилган;

Бельгиянинг нуфузли **"The Brussels Times"** рўзномасида Божхона қўмитаси Раисининг **"Янги Ўзбекистон божхонаси: рақамлаштириш ва соддалаштиришнинг уйғунлашуви"** сарлавҳали инглиз тилидаги мақоласи нашр қилинган.

✓ **Кадрлар билан ишлаш йўналишида:**

– **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** билан ҳамкорликда **2 905 нафар** ходимлар учун **"комплаенс - назорат тизими"** йўналишида машғулотлар ўтказилган;

– **таълим-бошқарув-амалиёт** занжири асосида **2 452 нафар** ходимлар учун сайёр ўқув машғулотлари ташкил этилган;

– **фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилиш** ва ходимларнинг жанговар шайлигини ошириш мақсадида **751 нафар** ходимлар билан **махсус ҳарбий-тактик ўқув машғулотлари** ўтказилган;

– божхона органларида коррупцияга қарши курашиш мақсадида, ходимлар билан **113 маротаба**, тадбиркорлар билан **7 маротаба** профилактик йиғилишлар ўтказилди, шунингдек, **213 нафар** ходимлар билан **якка тартибда** профилактик тарбиявий ишлар олиб борилган;

– божхона органларида **гендер тенгликни таъминлаш** борасида:

Бош вазир ўринбосари **З.Маҳкамова** иштирокида **517 нафар** аёл ходимлар билан **"Гендер тенглик сиёсати жамият ва давлат таррақиётининг муҳим омили"** мавзусида тадбир ташкиллаштирилган;

узоқ йиллардан бери намунали хизмат қилаётган **52 нафар** аёл ходимларнинг навбатдаги махсус унвонлари лавозимига нисбатан бир поғона кўтарилди, **60 нафари** юқори лавозимларга, **10 нафари** эса раҳбарлик лавозимларига тайинланган;

"Йил аёли" танлови ва **"Йилнинг энг ватанпарвар аёли"** номинациясида **Сурхондарё, Сирдарё, Қашқадарё** вилоятлари аёл ходимлари, **"Тўмарис издошлари - 2022"** номли республика танловида Божхона қўмитаси терма жамоаси **"Энг намунали ташкилот"** номинациясида ғолибликни қўлга киритган;

Мазкур танловларда иштирок этган аёл ходимлар **раҳбар кадрларни тайёрлаш заҳирасига** киритилган.

– **Божхона институтида** давлат аттестация синови ва битирув малакавий ишлари ҳимояси якунида 4-босқич курсантларимизнинг **83 %** ёки **124 нафари** ижобий баҳоланган;

Институт фаолиятини янада такомиллаштириш борасида Олий таълими вазирлиги билан ҳамкорлик қилиш бўйича **меморандум** имзоланган;

Ёш авлодни соҳага қизиқишини ошириш борасида Тошкент молия институтининг **40 нафар** талабаси божхона органлари фаолияти билан таништирилган;

– Божхона органларига бириктирилган **14 та мактабларнинг** юқори синф ўқувчиларини ушбу соҳага қизиқтириш мақсадида:

“**мактаб – божхона институти – божхона тизими**” занжири асосида онлайн мулоқотлар ташкил этилган;

Халқ таълими вазирлиги билан қўшма қарор имзоланиб, **8 мингдан ортиқ** ўқувчилар билан **49 та** тўғарак, спорт мусобақалари, маърифий адабий тадбирлар ўтказилган;

“**Ёш божхоначи**” рамзий нишони таъсис этилган.

– **Миллий кинология маркази** ташкил этилганлигининг 26 йиллиги кенг нишонланган. Ушбу йўналишда бир қатор юқори натижаларга эришилган. Жумладан:

МДХ давлатларининг божхона хизмати кинологлари ўртасида ўтказилган **кўпкураш мусобақасида** Миллий кинология маркази кинолог ходимлари **2-ўринни** қўлга киритган;

“**Хизмат итлари - 2022**” кўрғазмасида Миллий кинология марказининг 11 та хизмат итлари зотдорлиги бўйича тегишли дипломлар билан тақдирланди, 4 таси турли номинациялар бўйича **ғолиб** деб топилган.

– Божхона органлари ходимларини **ижтимоий ҳимоя қилиш** борасида: ходимларга уй-жой ижараси бўйича **пул компенсацияси** тўлаш, янги уй-жойларга ипотека кредитлари учун дастлабки тўлов ўтказишга **субсидия ажратиш** тўғрисида **низомлар** тасдиқланган;

605 нафар ходимларга уй-жой ижараси учун **5,4 млрд. сўм** берилди, **80 нафар** ходимларнинг уй-жой учун субсидия ажратишга оид мурожаати маъқулланган.

божхона органлари ходимларини **хизмат чоғида** ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топиш **тартиби** амалиётга татбиқ этилган;

2022-2023 ўқув йили бўйича **олий таълим муассасаларига** кириш учун **107 нафар** ходимлар, шу жумладан, ҳалок бўлган ва ногирон бўлиб қолган собиқ ходимларнинг **110 нафар** фарзандига **тавсияномалар** берилган.

III. Республика ҳудудларидаги **ижтимоий объектларни** қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш, қўллаб-қувватлаш бўйича берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида:

✓ **Таълим ва спортни ривожлантириш** борасида амалга оширилаётган ислохотлар доирасида:

– Тошкент вилоятининг Охангарон туманида **180 ўринли**, Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида **180 ўринли**, Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида **120 ўринли** мактаб бинолари, Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида **330 ўринли янги мактаб** қурилган;

– Қашқадарё вилоятининг Кўкдала туманидаги 105-сон мактабнинг **180 ўринли** биноти таъмирланиб, ушбу мактаб қўшимча **180 ўринли янги бино** билан ҳам таъминланган;

– Хоразм вилоятининг Гурлан туманида замонавий **“Гурлан спорт мажмуаси”** қурилиб, фойдаланишга топширилган;

– Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтакўпир туманида “Белтау” **ОФЙ биноти** таъмирланиб, ҳудудига **мини футбол майдончаси** қурилган;

– Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳри “Гулистон” МФЙ ҳудудидаги қаровсиз қолган **футбол майдончаси, ювиниш ва кийиниш хоналари, томошабинлар трибунаси** замон талаблари асосида қайта таъмирланган;

– Қарши шаҳрида **“ММА” аралаш жанг санъати спорт мажмуаси** қурилди, ҳозирда очилиш босқичида;

Мазкур тадбирларга жами **105 млрд сўмдан ортиқ** маблағлар сарфланди.

✓ **Саховат ва Мурувват интернат уйларидаги** ёлғиз қолган кексалар, ногирон эркак ва аёллар ҳамда болаларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида:

– Наманган “Саховат” уйида **нуронийларга хизмат кўрсатувчи “Кексалар боғи”** фаолияти йўлга қўйилган;

– Давлат фойдасига мусодара бўлган **4 млрд сўмга яқин** товарлар (**771 та** телевизор ва **204 та** кондиционерлар ҳамда кийим-кечаклар) белгиланган тартибда интернат уйларига **беғараз** топширилган;

– Ҳозирда, **Сирдарё, Фарғона, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳардаги** интернат уйлари бўйича умумий қиймати **90 млрд. сўмга** тенг бўлган дастлабки лойиҳалар устида ишлар олиб борилмоқда.

IV. Бошқа йўналишларда:

➤ Тадбиркорларнинг муаммосини бартараф этиш, уларга товарлар божхона расмийлаштирувида амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида, барча ҳудудларда **292 та** учрашувлар ўтказилди, **7 840 нафар** тадбиркорнинг **987 та** мурожаатига тушунтиришлар берилди, **311 таси жойида ҳал қилинган**;

Шунингдек, уларга қўшимча қулайликлар яратилиб, ТИФ ТНни таснифлаш бўйича билдирган **246 та** мурожаатларига дастлабки қарорлар тақдим этилган;

➤ Божхона лабораториясида гиёҳвандлик ва психотроп моддалар экспертизаси йўлга қўйилиши натижасида **374 та** объект материалларига аниқлик киритиш бўйича келиб тушган мурожаатларга тегишли хулосалар берилган;

87 та объект гиёҳванд модда, **254 та** объект психотроп модда ва **2 та** объект кучли таъсир этувчи восита, **31 та** объект таркибида тақиқланган моддалар сақламаслигига оид хулосалар тақдим этилган.

➤ Божхона органлари томонидан ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича далилий ашё сифатида ушлаб қолинган қиймати **19,5 млрд сўмга** тенг бўлган жами **1,6 млн қўти** тамаки маҳсулотлари **йўқ қилинган**;

➤ Божхона органлари, жумладан чегара постлари инфратузилмасини яхшилаш борасида:

– **29 та** пост **ичимлик суви**, **20 та** пост **электр энергияси** ва **20 та** пост **табиий газ** билан узлуксиз таъминланган;

– Тожикистон давлати билан чегарада жойлашган “Жартепа” постига, Сирдарё вилояти божхона бошқармасининг маъмурий биносига **қуёш панеллари** ўрнатилган;

ҳозирда **5 та** чегара постини **узлуксиз электр энергияси** билан (“Довут-ота” (Қорақалпоғистон), “Дўстлик” (Андижон), “Учтўрғон” (Жиззах), “Фарҳод” (Тошкент вил.), “Ровот” (Фарғона)), **3 та** чегара постини **узлуксиз табиий газ** билан (“Учтўрғон” ва “Қўшкент” (Жиззах), “Поп” (Наманган) таъминлаш;

5 та чегара постига **қуёш панелларини** ўрнатиш (“Олот” (Бухоро), “Яллама” (Тошкент вил.), “Фарғона” (Фарғона), “Сариосиё” (Сурхондарё), “Дўстлик” (Андижон)) ишлари олиб борилмоқда.

Божхона қўмитаси